



Европалик олимлар "мўғул-татар зулми"нинг янги талқинини беришди



Бирданига бир канча таникли олимлар Мўғул империяси ва Олтин Ўрданинг Шаркий Европа тарихидаги роли қайта кўриб чиқилган бир катор илмий ишларни нашр этишди. Гап Мари Фаверонинг (Париж-Нантер университети тарихчиси) "Ўрда: мўғуллар дунёни қандай ўзгартирди", Кеннет В. Харлнинг "Даштлар империяси", Энтони Саттин "Кўчманчилар", Николас Мортоннинг "Мўғуллар бўрони: Ўрта асрларда Яқин Шарқда империяларнинг яратилиши ва кулаши" каби тадқиқотлар ҳақида бормокда. Бу асарларда боскинчилар одатда рус тарихшунослигида тасвирланганидек, қонхўр йирткичлар сифатида эмас, балки истеъдодли бошқарувчилар, халқларни фаровонликка етаклаган янги иқтисодий механизмларни жорий этган қудратли давлат тузувчилари сифатида кўрсатилган.

"Рус князликлари (Киев) Ўрдага бўйсунуш даврида ақл бовар қилмайдиган иқтисодий барқарорликни намоён этдилар", деб ёзади Мари Фаверо 14-асрда Россия ерларида 40 ва ундан ортиқ шаҳарлар ташкил этилганига ишора қилиб. У мўғуллар Россияга солиқ даромад манбаи сифатида қарашини тан олади, лекин уларнинг стратегияси репрессив эмас, балки савдо билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди.

Европа тарихчилари эътибор қаратадиган яна бир факт шуки, буюқ дашт империяси — Олтин Ўрда, айниқса, дастлабки босқинда демократик давлатга ҳос хусусиятларнинг

аксариятига, жумладан, хокимиятнинг олий вакиллари сайлаш ҳукукига ҳам эга бўлган. Кенг тарқалган фикрлардан фарқли ўларок, "зулм" Россиянинг иктисодий ва сиёсий тараккиётига уни секинлаштирмасдан кўпроқ хисса қўшди. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, кўчманчилар тарихи ва аҳамияти Европа тарихидан кам эмас. "Аммо биз муҳимлик ҳақидаги гоёмизга бошқача қарашни ўрганмасак, ўзимизни ҳамма нарсанинг ўлчови деб ҳисоблашда давом этаверамиз."

Абу Муслим